

# ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

## № КБ 03

2022 йил "06 " Январ

Конимех тумани

"MIRONSHOX KOMFORT SERVIS " МЧЖ Конимех туман бўлими (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан "15" октябр 2021 йилдаги № 1-01/12 сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи рахбар Ш.Х.Гайбуллаев, ҳамда иккинчи томондан Конимех туман Тиббиёт Бирлашмаси (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан илзом асосида фаолият юритувчи рахбар: Б.Имамкулов ушбу шартномани қуйидагича туздилар:

### 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Ушбу шартнома шартлари бўйича келгусида "Бажарувчи" белгиланган хуудлардан каттик маиший чиқинди ( келгусида ҚМЧ) ларни "Буюртмачи"га тегишли хуудлардан олиб чикиб кетиш ва маиший чиқинди полигонига( келгусида полигон) жойлаштиришни ўз зиммасига олади, "Буюртмачи" олиб чикиб кетилган ҚМЧ учун қуйида кўрсатилган суммани ўз вақтида тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

( Бажариладиган ишнинг номи,маркаси,артикули)

Тр	Бажариладиган ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	Хажми (микдори)	Нархи 15% ККС б-н	жами суммаси 15% ККС б-н	15% ККС суммаси
1	Қаттик ва суюк маиший чиқинди олиб чиқиш	м3	4,60	65 090	299414	
	<b>Жами</b>					

Жами сумма (сўз билан) Икки юз тўқсон тўққиз минг тўрт юз сўм

1.2. ҚМЧларнинг ойлик хажми кўрсатилган хизмат талонлари асосида ҳисобига олинади

1.3. бир ойлик ҚМЧ олиб чикиб кетиш учун хизмат талонлари Навоий вилояти Хокимининг 26.07.2019 йил санасидаги №121 сонли қарорига асосан ҳисобланади.

### 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. "Бажарувчи" ўзига топширилган хизматларни ўзининг транспорти ва ишчи кучи билан ушбу шартнома шартлари асосида "Буюртмачи"га сифатли ва ўз вақтида топширади.

2.2. Хизмат кўрсатиш даврида иккала томонга ҳам бирдек тегишли бўлган котнейлардан фойдаланиш мумкун.

2.3 Қаттик маиший чиқиндиларни олиб чикиб кетиш "Бажарувчи" томонидан хар куни ( Шанба ва Якшанба кунларидан ташқари) ва умумхалқ хашарлари вақтида амалга оширилади. **3.ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

3.1 "Буюртмачи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Шартнома асосида , ўзига зарур бўлган , белгиланган сифатдаги , ҳаёти ва саломатлиги учун хавсиз бўлган , мулкига зарар бермайдиган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;

Шартномаларда кўзда тутилган шартлар ва муддатларга мувофиқ чиқинди олиб чикиб кетиш хизматларидан фойдаланиш:

12 ойдан ортиқ бўлмаган давр учун олдиндан ҳақ тўлаш, кейинчалик тегишли тарифлар ошгандан кейинчалик тарифлар ошганда қайтадан ҳичоб-китоб қилмаслик ;

Бажарувчидан хизматлар ҳажми ва сифати, уларнинг кўрсатилиш шартлари хизматлар учун тўлов миқдорининг ўзгаргани ва тўлов тартиби тўғрисидаги ахборотларни олиш;

Бажарувчи томонидан шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолларда бажарувчига ёзма ёки телефон орқали шикоятлар тақдим этиш ва Бажарувчидан хизматлар тўлик кўрсатилмагани фактини

тасдиқловчи далолатномани тузишни , шунинг аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатда бартараф этилишини талаб қилиш :

Хизматлар кўрсатилаётганда Бажарувчининг айби билан юзага келган камчиликларнинг бепу бартараф этилишини талаб қилиш:

Шартномага мувофиқ, шартномада белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилмаган давр учун ҳақ тўлаш мажбуриятларидан тўлиқ ёки қисман озод қилиниш:

Бажарувчи ўз вақтида шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб қилиб судга мурожат этиш.

Буюртмачи уй-жой кодексиغا ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### 3.2 Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

ҚМЧ олиб чиқиб кетиш хизматлари учун шартнома тузиш ва унинг талабларини бажаришга :

Чикиндиларни кўчаларга, сув йўллариغا , ариқларга чиқиндиларни тўплаш кўмиб ташлаш учун мўлжалланмаган жойларга шунингдек ҳаракатдаги автотранспорт воситасидан йўлаклар ва кўчаларнинг транспорт юрадиган қисмига ташламасликка :

Бажарувчининг маҳсуе автотранспорт воситаси чиқиндини ортиш жойига бемалол ўтишини таъминлашга :

Чикинди тўплаш контейнерларининг ҳолатини назорат қилиб бориш, уларнинг тегишли ҳолатда бўлишини таъминлашга :

Инсонларнинг ҳаёти саломатлиги , шунингдек атроф муҳит учун ҳавфли бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига чиқиндиларнинг қўплаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларининг олиб боришига ( контейнерларни дезинфекциялаш ёки ювиб туриш ёллари билан):

Чикинди тўплаш контейнерлари , чиқинди тўплаш шахобчалари чиқинди тўпловчи камера ва бошқа ускуналарнинг носозликлари аниқланганда бу тўғрисида бажарувчини дарҳол хабардор қилишга :

Буюртмачи уй-жой кодексиغا ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб беради .

### 3.3 Бажарувчи қуйидаги ҳуқуқларга ега:

Шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлиги учун Буюртмачига нисбатан қоралар кўришга , шунинг қонунчилиқда ёки шартномада белгиланган жарима ёки пеня тўланишини талаб қилишга ҳақли

Бажарувчи уй-жой кодексиغا ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив ҳуқуқий актларга қўра бошқа ҳуқуқларга ҳам ега бўлиши мумкин

### 3.4 Бажарувчи мажбур:

Қонунчилиқда Вазирлар маҳкамасининг 2014 йил 15 июньдаги “Қаттиқ ва Суяқ чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш қоидалари” тўғрисидаги 194 сонли қарори билан тасдиқланган ва шартномада белгиланган шартларга мувофиқ буюртмачига зарур сифтдаги чиқиндини олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишга:

Қонунчилиқда ёки шартномада белгиланган муддатларда буюртмачининг буюртманомаларини бажаришга :

Чикинди олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун электрон тўлов тизимининг тадбиқ этиш ва реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақаларининг ҳолатини кузатиб боришга;

Чикиндини олиб чиқиб кетиш хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича буюртмачининг мурожатлари ( аризалар , таклифлари, шикоятлари) шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб боришга :

Чикиндининг иккиламчи хом ашёларини қабул қилиш ихтисослаштирилган қорхоналарга белгиланган тартибда топширилишини таъминлашга;

Чикиндини олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш тартиби ва тарифларининг ўзгаргани тўғрисида ушбу тарифлар Буюртмачининг абонентлик пунктларида эълонлар осий ёли билан шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали буюртмачига маълум қилишга :

Буюртмачига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича камчиликларга ёл қўймасликка камчиликлар кузатиладиганда уларни бартараф этиш қораларини қўллашга :

Чикинди олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисидаги маълумотларни Буюртмачига бепул тавдим этишга;

Чикнди олиб кетиш хизматлари учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, шунингдек кўрсатилган хизматлар учун тўловлар бўйча қарздорлик йўқлиги тугрисидаги маълумотларни Буюртмачига бепул тавдим этишга:

Бажарувчи Уй-жой Кодексига ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб беради.

#### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1 Буюртмачи қуйидагиларга жавобгар:

Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлиги учун :

Чикинди олиб чиқиб кетиш хизматига ўз вақтида тўлов тўламаганлиги учун :

Ўз вақтида тўлов амалга оширилмаса, Буюртмачи бажарувчига шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир куни учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0.4 % миқдоридан пеня тўлайди, Лекин бу пеня кечиктирилган тўловнинг 50 % ошмаслиги лозим

4.2 Бажарувчи қуйидагиларга жавобгар

Кўрсатилаётган хизматлар муддатлари ва камчиликларни бартараф этиш муддатлари бузилганлиги аниқланган ҳолларда

Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Бажарувчи томонидан кўрсатилаётган хизматлар ёки сифатсиз хизматлар оқибатида ишчиларнинг ҳаётига соғлиғига ва буюртмачининг мулкига йетказилган зарар учун :

Бажарувчи томонидан хизмат кўрсатилмаса буюртмачига кечиктирилган ёки бажарилмаган хизматлар қийматининг ҳар бир куни учун 0.5% миқдоридан пеня тўлайди, лекин бу пеня кечиктирилган ёки бажарилмаган хизматлар қийматининг 50 % ошмаслиги лозим.

#### 5. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ МУДДАТИ.

5.1 Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб қонуний қучга қиради ва амал қилиш муддати 2022 - йил " 31 " декабр - санасигача этиб белгиланди

5.2. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб иккала нусхаси ҳам бир хил юридик қучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

#### 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

6.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар уртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар уртасида музоқоралар олиб бориш йули билан хал этилади.

6.2. Музоқоралар олиб бориш йули билан низони хал этиш имконияти булмаган тақдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя қилинганидан кейин иқтисодий судига кўриб чиқиш учун топширилади.

#### ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

"Бажарувчи".

"MIRONSHOX KOMFORT SERVIS" МЧЖ

Конимех туман бўлими

Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани

Нукус кўчаси 79 уй

Тел.: + 998 94 229 96 12

email: kostya.krg.7@gmail.com

Банк: "ХАЛҚБАНК" Сергели филиали

Х/Р: 2020 8000 8050 0717 4001

ИНН: 207 164 728 МФО: 00826

"Буюртмачи".

Қосимов ТТБ  
Юридик манзилгоҳ: Қосимов Турист  
МДХСКО Қў 29 сн 24 25

Тел.факс: 79572 - 13 - 11

10002286012217000130054014

ШХР: 200012834 МФО: 00014

ИНН: 201228429 ХХТУТ: 51511

Рахбар:



Рахбар: Найдуллаев

Б. Мусқошев



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA  
№ 1323**

1. Huquqiy ekspertiza qilinayotgan loyihaning turi:

**Pudrat shartnomasi.**

2. Loyihaning nomi:

**Konimex tumani Tibbiyot birlashmasi va "MIRONSHOX KOMFORT  
SERVIS" MCHJ o'rtasida 2022 yilda tuzilgan KB 03-sonli xizmat ko'rsatish  
shartnomasi.**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va dasturga kiritilgan sana haqida ma'lumot.

**Konimex tumani Tibbiyot birlashmasi va "MIRONSHOX KOMFORT  
SERVIS" MCHJ tomonidan ishlab chiqilgan va 06.01.2022 yilda dasturga  
kiritilgan.**

Mazkur loyiha Konimex tumani yuridik xizmat ko'rsatish markazi tomonidan, O'zbekiston Respublikasi 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunining 21-moddasiga asosan ushbu shartnoma loyihagini huquqiy ekspertizadan o'tkazildi va quyidagilar aniqlandi.

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlarning shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.09.2020 yildagi "Maishiy va qurilish chiqindilari bilan bog'liq ishlarni boshqarish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4845-sonli qarori, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 06.02.2019 yildagi 95-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Qattiq va suyuq maishiy chiqindilarni to'plash va olib chiqib ketish bo'yicha xizmatlar ko'rsatish" QOIDALARI bilan tartibga solingan hamda shartnoma shartlari va taraflarning javobgarligi me'yori va nizolarni hal etish tartibi qonunchilik talablariga mos keladi.

Yuqoridagilarga asosan quyidagicha xulosa qilindi,

**XULOSA**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni imzolash qonunchilikka muvofiq.

**Bosh yuriskonsult**



**Sh.Bozorov  
06.01.2022 yil**